



ШАРҚДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ОИД БИЛИМЛАР РИВОЖИ

Мансуров Абдулазиз Акбаржонович

Сирдарё вилояти Боёвут тумани
девонхона мудири

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5548161>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-sentabr 2021
Ma'qullandi: 25-sentabr 2021
Chop etildi: 30-sentabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Қобуснома, пандномалар,
фозиллар шаҳри, Темур
тузуклари.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада шарқда давлат бошқаруви борасида илгари сурилган қарашлар ва бошқарувда қўлланган ахлоқий қарашлар ҳақида фикр юритилган.

Машхур Шарқ пандномаларининг ахлоқий хусусиятларига эътибор берар эканмиз унда асосан шарқона бағрикенглик инсон омилининг биринчи навбатга қўйилиши ва ўзга инсон билан бўладиган муносабатда айниқса шох ва фуқаро ўртасидаги ўзаро муомала одоби, ҳурмат, фуқарога паст назар билан эмас аксинча, Аллоҳнинг яратилган енг буюк мўжизаси сифатида қарашга чақирилади. “Қобуснома” ўғитларининг бошқарув одобидagi аҳамияти ҳақида сўз юритганда китобнинг алоҳида олинган бобларишу давр учун муҳим ҳисобланган ва бугунги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотмаганини қайд этиш муҳим. “Ануширвон пандларини ёд этмоқ зикрида”, “Душмандин андиша қилмоқ зикрида”, “Подшоҳга хизмат қилмоқ зикрида”, “Подшоҳга надимлик қилмоқ зикрида”,

“Вазирликнинг шарт ва расмлари зикрида”, “Подшоҳлик шарт ва расми зикрида” бобида илгари сурилган ахлоқий ҳикматларнинг бошқарувдаги зарурияти муҳим ҳисобланади.

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида шаҳар бошлиғининг шахси, фозил шаҳар раисининг хислатлари ҳамда адолатнинг бошқарувдаги ўрни ҳақида қарашларнинг ахлоқий талқини кенг ёритилган. Асарнинг асосан 28-29-боблари фозил шаҳар аҳолиси ва раҳбари ҳақидаги фикрлари жамланган.

«Асарда айтилишича, «Ҳар бир халқнинг, ёки ҳар бир шаҳар аҳолисининг нарса-ҳодисаларга доир тасавурлари ўзларига таниш тасавурлардир. Айрим халқларнинг муайян ҳилқат ҳақидаги энг машхур (кенг тарқалган) тасавурларда халқ



озми-кўпми тафовут, фарқлар бор. Чунки, ҳар бир халқ ўша нарса, ҳодисани ўзича англаб, ўзи акс эттиради. Шу туфайли фазилатли шаҳарларнинг турли халқлари ягона (ҳақ-таоло)га ишониб, ягона саодатга ва ягона мақсадга (масалаи, охиратда жаннатга муносиб бўлишга) интилсаларда, уларнинг динлари турлича бўлиши мумкин.

Мақка шу (турли халқлар учун умумий) хилқатлар тегишли далиллар билан бўлиб олингач, бу хилқатлар ҳақида ҳеч қандай баҳсларга, сохта доноликка асосланган баҳсларга ҳам, нарсанинг асл табиатини тушунмаса у ҳақда сохта тушунчага эга бўлишдан келиб чиқувчи баҳсларга ҳам ўрин қолмайди.

Мана шу нарсалар ҳақида тақлидий тасаввур ҳосил килинганида эса баҳсли ўринлар учрайди. Баъзи тақлидий тасаввурларда озроқ, бошқаларида кўпроқ баҳсли ўринлар учраши мумкин. Ана шу баҳсли, мунозарали ўринларнинг баъзилари ошқора айтилиши, баъзилари яширин қолдирилиши мумкин.

Нарса, ҳодисаларли танқидий тасаввурлар воситасида ўрганувчи одамлар орасидан баҳсли ўринларини пайқаб, шу ҳатода ўргадиганлар ҳам турличадир. Бундай одамлар ҳам бир неча тоифага бўлинадилар. Раҳбарга, (йўлбошчига, устозга) муҳтожлар: бундай (устозга муҳтож) кишилардан баъзилари бирорнарс-ҳодиса ҳақида тасаввурларнинг (баҳсли ёки) сохта эканлигини билиб қолса, бошқа ҳақиқатга яқинроқ тасаввур даражасига кўтариладилар ва улар учун умасалада баҳсли ўрин қолмайди. Агар у мана шу тасаввур билан қаноатланса шу

тасаввурда қолаверади. Аммо (қаноатланмаса) у ҳар гал кейингитасаввурида ҳам нуксонлар борлигини сезиб қолса, у янада юқорироқ босқичга кўтарилади. Мабодо унга барча (кейинги) тасаввурлари ҳам ёлғон кўрина бошласа, у ҳақиқатга етишишга яқинлашади.

Жаҳолатдаги шаҳарлар, (аҳолисини) мақсадларини кўзлайдиган (обрў-иззатга, мол-дунёга, бойликдан рағбатланишга интиладиган) одамлар эса алоҳида тоифадир. Бундай одамлар фозиллар шаҳрида ҳалиги мақсадлар билан яшаш таъқиқланганини кўриб, у ердаги (адолат) қонунларни бузишга, ҳақиқатга алоқадор нарсалардан узоқлашишга, (бу қонун-қоидалар, тасаввурларни) бузуб акс эттиришга уринадилар. Улар бунга икки йўл билан эришадилар: у юқорида айтилган баҳсли ўринларни ўзларича тахмин қиладилар, иккинчидан, сохта донолик ва алдов йўлига ўтадилар. Улар жаҳолатли ва тубан мақсадларига эришувига ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги учун шундай йўлдан борадилар. Бундай одамларни фазилатли шаҳарлар жамоасига қабул қилмаслик керак.

Яна бир тоифа одамлар ҳам борки, улар тафаккури заифлиги туфайли ҳақиқатдан чалғиб кетадилар ва тасаввурларидан қай бири тўғрию, қай бири ёлғон, ажрата олмай қоладилар. Улар ҳеч баҳс талаб қилмайдиган ҳақиқий тасаввурни ҳам ёлғон деб ўйлайдилар. Улар ҳақиқатни англаш учун яқинроқ борганларида зехни заифлиги туфайли чалғиб кетадилар ва ҳақиқатни аслидан бошқача тушуниб, ёлғонни ўзларича ҳақиқат деб ўйлайдилар. Мабодо уларга



тасаввурлари ёлғон туйилса, улар ўзларининг тасаввурлари ёлғон эканлиги билмай асл ҳақиқатни ёлғон деб ўйлайдилар. Оқибатда бу одамлар «умуман ҳақиқат йўқ, ҳақиқатга етишдим деганлар ўз-ўзини алдовчилардир, одамларни ҳақиқат йўлидан бошламоқчи бўлган ёлғончи, каззоблар, улар бундай каттароқ мансабга ёки бойликка эришиш мақсадида шундай сўзларни айтмоқдалар» деб ўйлайдилар. Пировард натижада бу тоифа одамларнинг баъзилари гангиб қоладилар, бошқалари нарса ва ходисаларни олисдан кўрувчи ёки тушида (ғира-шира) кўрувчи одамга ўхшаб, ҳақиқат борку аммо, уни билишга одамзоднинг ақли етмайди, деб ўйлайдилар. Бундай одамлар ўзлари билган нарсаларни ҳам бузиб талқин этишга интилиб, эришган нарсаларини ҳақиқат эмас, балки бузибталқин қилганларини ҳақиқат деб ўйлайдилар.» Кўриниб турибдики шу давр рухига хос бўлган барча асарларда исломий рухнинг устунлиги фозиллик даражаси ҳам биринчи навбатда иймонлилик даражаси билан ўлчанади.

Шу билан бирга Ўзбек давлатчилигининг асосчиси буюк саркарда, давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг мавзуга оид «Темур тузуклари»асарида ҳам диққатга сазовор бир қанча фикрлар келтирилган.Соҳибқирон Амир Темурнинг ахлоқий қарашларида адолат масаласи “Темур тузуклари”да омилкорлик, маҳорат, бағрикенглик, шафқат, мурувват - бошқарув одобининг асоси сифатида: “Вазир тутиш тузуги”, “Амирлик ва ҳукмдорлик тузуги”, “Вазирларнинг хизмат қилиш тузуги”,

“Навкарнинг бегига, бекнинг навкарига муомала қилиш тузуги”, “Дўсту душманга муомала қилиш тузуги”, “Салтанатни идора қилиш тузуги”.Давлат ва давлат бошлиғи тўғрисидаги қоидалар ҳақида шундай фикрлар борки улар бугунги кунда ҳам анча долзарб.

Ўрта Осиё халқлари, хусусан, аجدодларимизнинг қонун, давлат ва сиёсатга жиддий муносабатда бўлганликлари замирида инсонни улуғлаш, жамиятнинг барча қатламларини адолат билан чулғаб, чинакам ҳуқуқ асосларига таянадиган давлат яратишдан иборат мақсад ётар эди. Шунинг учун ҳам аجدодларимизга раҳнамо бўлган буюк шахслар давлатчилик борасидаги сиёсий, ҳуқуқий тартибларини ўрнатувчи кўплаб асарлар яратганлар. Улар орасида Амир Темурнинг «Тузуклари»да ифода этилган давлат масалаларига оид йўл-йўриқлар, қонунлар, тузуклар алоҳида аҳамиятга эга. Буюк давлат арбобининг давлатчилик сиёсатида, у яратган бошқарув тизими ҳамда давлатчилик анъаналари моҳияти заминида муайян бир жуғрофий макон ва жамиятнинг турли имкониятларини маҳаллий халқ манфаатлари йўлида юзага чиқарувчи чинакам ташкилотчилик ётганини кўраимиз.

Ўзбек давлатчилиги тарихининг муҳим даври – Темур салтанати марказлашган давлат эди. Салтанат қурувчисининг фикрича, давлат биринчи галда, мамлакатдаги барча ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, қонун-қоидалар ва адолат билан қатъий тартибда бошқарилиши керак эди.



«Давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим шул ким, – деб ёзади Амир Темур ўз тузукларида, – Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим, ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим».¹ Темур бу ерда ўзининг дин ва давлат борасидаги кенгашларида исломни бир восита сифатида фойдаланишни эмас, балки уни халқ билан давлатни яқинлаштиришдаги ҳамда давлатни халқ тизимига уйғунлаштирадиган куч бўлганлигини назарда тутиб, давлатда ислом динини ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайди. Унинг назарида халқдан ажралган «ҳокимият ҳеч нарсага қодир эмас. Шунинг учун ҳам унинг фикрича: «Давлат агар дину-тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади... Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини ислом дини тўра ва тузуклари асосида мустаҳкамладим».²

Темурнинг исломга ва унинг руҳонийларига юксак ҳурмати ва унинг юксак маънавиятли мусулмон сифатида давлатни ислом қонун-қоидалари асосида тузиши ҳам Мовароуннаҳрнинг дин ва тасаввуф марказига айланишига олиб келади. Унинг динга ривож беришда қўллаган тадбирларидан бири «сайидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга бошлиқ – садр этиб» тайинлашидир. Мусулмонларга диний таълим бериш учун, хусусан, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фикҳдан сабоқ бериш учун» ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилади. Унинг ислом динини ривожлантириб, шариатни

ёйгани, унга равнақ бергани учун ислом олимлари саккизинчи юз йилликда (ҳижрий, мелодий XIV аср) «Амир Соҳибқирон Муҳаммад динини янгиловчиси, шу киши бўлғай» деб фатво берадилар.³ Юқоридагилардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

1. Амир Темурнинг марказлашган давлатни тузишида ислом динини мустаҳкамлаш, ривожлантириш марказий ўринлардан бирида турди.

2. Амир Темур улуси – давлати, салтанати марказлашган мусулмондавлати сифатида ташкил топди.

3. Бундай давлатнинг ташкил топишида халқ ҳам, дин аҳллари ҳам Темурни қўллаб-қувватладилар.

Маълумки, давлат ва ҳуқуқ фанларида Ўрта аср давлатларини бошқариш шакли бўйича илк феодал монархиясига табақа вакиллик монархияси ва мутлақ монархия давлатига бўлиб ўрганилади. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқида Эфталлийлардавлатидан бошлаб ундан кейинги барча давлатлар: Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари мутлақ монархия, ҳокимият чекланмаган ҳукмдор бошқаруви кўринишидаги давлатлар эди, деб ҳисоблаш мумкин. Амир Темур салтанати (империяси) эса давлатшунослик нуқтаи назаридан олганда, мана шу мутлақ монархиянинг энг чўққисидир.

¹Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 68-69-б.

²Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 72-74-б.

³Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 73-74-б.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 68-69-б.
2. Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 72-74-б
3. Темур тузуклари. – Тошкент, 1996, 73-74-б.